



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 11 сентябрь, № 178 (5598)

Сешанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 21 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 30 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда) **155-моддасининг биринчи қисмидаги** «қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган энг кам меҳнат ҳақи микдоридан» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган микдордан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда) **92-моддасининг иккинчи қисмидаги** «белгиланган энг кам иш ҳақи микдоридан» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган микдордан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Фермер ҳўжалиги тўғрисида»**ги 602-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган 662-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 162-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда) **23-моддасининг учинчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган микдордан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда қабул қилинган **«Хусусий корхона тўғрисида»**ги 558-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2011 йил, № 9, 248-модда) **19-моддасининг иккинчи қисмидаги** «қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланганидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган УРҚ-136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси**га (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 208-модда** қуйидаги мазмундаги **36-банд** билан тўлдирилсин:
«36) оммавий ахборот воситаларини ва китоб махсулотларини етказиб бериш хизматлари»;
- 217-модда** «аҳоли номидан оладиган» деган сўзлардан кейин «шунингдек идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлиналари томонидан олиннадиган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 217-модда** чиқариб ташлансин;
- 324-модданинг 2-банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«2) ихтисослаштирилган савдо тармоғидан Ўзбекистон Республикасида, Россия Федерациясида ва Украинада ишлаб чиқариладиган янги автомобиль олувчи фуқаролар, шунингдек яқин қариндошларидан ҳада шартномаси ёки мерос асосида автомобиллар ва мотоаравачалар олувчи фуқаролар».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган **«Жиноят иштини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида»**ги УРҚ-298-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 9, 251-модда) **30-моддасининг учинчи қисмидаги** «белгиланган энг кам иш ҳақи микдоридан» деган сўзлар «қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган микдордан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 10 сентябрь
№ УРҚ-329

Изчил тараққиётимизнинг халқаро эътирофи

Давлатлар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини баҳолашда кўпгина жиҳатлар ҳисобга олинади. Улар орасида энг муҳим мезонлардан бири эса ташқи савдо салмоғи, янаям аниқроғи, экспорт кўрсаткичидир. Чунки экспорт ҳажмининг ўсиши иқтисодий жиҳатдан тараққий этиб, саноати ривожланиб бораётган мамлакатларгагина хосдир. Шу маънода, Ўзбекистон истиқлол йилларида ахборот бозорининг фаол иштирокчиси сифатида экспорт қилувчи давлатлар сафидан мустақкам ўрин эгаллади. Бу Президентимиз ташаббуси билан 21 йиллик мустақил тараққиёт йўлимиз даврида иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар экспорт салоҳиятини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган изчил чора-тадбирларнинг юксак самарасидир.

Экспорт

Дарҳақиқат, республикамызда ташқи бозорда талаб юқори бўлган сифатли махсулот тайёрлаш ҳажми йил сайн кўпайиб, шунга мос равишда экспорт амалиётлари ҳам муттасил ўсиб бораёпти. Эътиборлиси, унинг таркибида тайёр ва янги турдаги махсулотлар улуши кўпаймоқда. Масалан, шу йилнинг биринчи ярмида Лап-кабеллар, энергия тежайдиган лампалар, юк автомобиллари, автомобиллар учун жиҳозлар, болалар велосипедлари ва ўйинчоқлари, сопол плиткалар, сирка ацетальдегиди, унифлор,



азот-фосфор-калийли ўғитлари, ўралган сетка ва бошқа янги турдаги товарлар экспорти йўлга қўйилди.

Тахлилларга қараганда, кейинги йилларда, айниқса, енгил саноатимизда экспорт салоҳияти ошиб бораёпти. Мазкур соҳа корхоналари томонидан чет эллик хариддорларга болалар спорт кийимлари, эркаклар костюмлари ва устки кийимлар етказиб берилаётгани эътиборга моликдир. Аслида, енгил саноатчиларимиз махсулотларига хорижда талаб ҳамиша юқори бўлган. Буни соҳа

Бугунги кунда енгилсаноат махсулотлари «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги остида дунёнинг

40

дан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

мутахассислари ўзбек пахта толасидан тайёрланган халқ

истеъмоли молларининг рақобатбардошлиги юқорилиги билан изохлашади.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси мутахассисларининг таъкидлашича, бугунги кунда истеъмоличиларнинг талаб ва тақлифи ўрганилиб, 600 хил ранг, 20 дан кўпроқ номдаги кийим-кечакларнинг янги моделлари яратилиб, ишлаб чиқарилаёпти. Натижада «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги туширилган махсулотлар дунёнинг 40 дан ортиқ мамлакатларида катта қизиқиш билан харид қилинмоқда.

Айни пайтда компания тизимида 270 дан зиёд корхоналар фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксариятида тайёрланаётган кийим-кечаклар экспортга мўлжаллангандир. Пойтахтимизда иш юритаётган «Алкимтекстиль» масъулияти чекланган жамияти фаолияти бунга яққол мисолдир. Гап шундаки, болалар спорт кийимлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу корхона махсулотлари тўлиқ хорижда сотилади.

(Давоми 2-бетда).

Ю. Ажубей:

«Нуфузли анжуман илғор тажриба алмашиш учун жуда мақбул минбар бўлади»



Хабар қилинганидек, жорий йил 12 — 14 сентябрь кунлари Тошкентда «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтади. БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг Иқтисодий ҳамкорлик ва интеграция бўлими эксперти Юрий Ажубей мазкур анжуман арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистонда бу соҳага қаратилаётган эътибор таҳсинга лойиқ эканлигини айтди.

— Мамлакатингизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида изчил олиб борилаётган сиёсат, жумладан, янги корхоналар ташкил этиш ва молиявий ҳисоб-китоб тизimini енгиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларнинг қўрилиши алоҳида эътиборга сазовордир, — деди Ю. Ажубей. — Менинг фикримча, бу йўналишда Ўзбекистон салмоқли юксалишга эришди. Уртача

кўрсаткичлар бўйича у минтақа мамлакатларини ортда қолдираётди. Экспертнинг таъкидлашича, мамлакатимиз тадбиркорликнинг технологик асосини ривожлантиришда сезиларли муваффақияتلарни қўлга киритди. «Фирма», ҳозирги пайтда Ўзбекистон олдига технология салоҳиятини янада кенгайтириш ва иқтисодиётнинг технологик таркибини юксалтириш вазифаси турибди, — дейди у. — Ил-

ми тараққиот ва ишланмаларни ривожлантириш, натижаларни бизнесда қўллаш билан боғлиқ бўлган инновация тадбиркорлигининг раванки масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда».

Унинг айтишича, Ўзбекистоннинг ялпи ички махсулот тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 50 фоиздан ортқини ташкил этиши нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам ижобий натижа ҳисобланади. Чунки аҳолиси таркибининг катта қисмини ёшлар ташкил этаётган мамлакат учун кичик бизнес ўсиб келаётган мутахассислар бандлигини таъминлашга қодир бўлган соҳадан берибдир. Эксперт таълим ва касбий-техникавий муассасалар ҳамда корхоналар ўртасидаги самарали ҳамкорлик юқори малакали кадрларни тайёрлашда ва келажакда уларни

«Жаҳон» АА.
Женева

Бизнес-форум

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 10 сентябрь куни Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакилларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ИШБИЛАРМОНЛАРИ МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва сарможий ҳамкорликни кенгайтиришга бағишланган мазкур анжуманда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар қатори иқтисодий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Икки мамлакат ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилаётди.

(Давоми 2-бетда).

Иқтисодий барқарорликнинг муҳим таянчи

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, қисқача айтганда, ижтимоий ва иқтисодий барқарорлигимиз манбаига айланади. Бу Президентимиз ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларида бошлаб ушбу соҳани ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг юксак самарасидир.

Ислохотлар — тадбиркорлар нигоҳида

Айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқий манфаатларини кафолатловчи меъёрий-ҳуқуқий тизим яратилгани улар сафи йил сайн кенгайиб, истеъмол бозорини сифатли махсулотлар билан тўлдирishга хизмат қилаётди. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларининг

фаолияти бунга яққол мисолдир. **Арслон ҚАЛАНДАРОВ, Урганч шаҳридаги «Мини аккумулятор» МЧЖ раҳбари, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиб:** — Истиқлол тенгдоши бўлган корхонамиз Хоразм вилоятида фаолият юри-

таётган 10 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларидан бири. Қувонарлиси, кичик бизнес субъектлари йил сайн кенгайиб, ички бозорни импорт ўрни босувчи махсулотлар билан тўлдирмоқда. Айни пайтда уларнинг ялпи ҳудудий махсулотдаги улуши

60,5 фоизга етгани бунинг далилидир. Корхонамызда бир неча турдаги аккумуляторлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Импорт ўрнини босувчи бундай махсулотларга бўлган талабни тўлиқ таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ҳаракат қилаёмиз. Бунинг учун эса цехларимизни техник ва технология жиҳатдан модернизациялаш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Инвестиция дастури доирасида

Шу йилнинг биринчи ярмида 2012 йилги Инвестиция дастури доирасида

153,3

километрлик умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари қурилиб, реконструкция қилинди.

Бу мамлакатимизда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган дастурнинг беқиёс самараларидан биридир.

Бир рақам шарҳи

(Давоми 2-бетда).

Иқтисодий барқарорликнинг муҳим таянчи

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Масалан, 1995 йили 5 миллион сўм миқдоридagi банк кредити эвазига йилига 10 минг дона аккумулятор ишлаб чиқариш қувватига эга линия олиб келиб ўрнатилган эди. 2007 йилда эса 120 минг АҚШ доллари ҳисобига яна бир замонавий технологик линия ишга туширилди. Натижада ҳар хил турдаги аккумулятор моноблоклари тайёрлаш ўзлаштирилди.

Изланиш, интилиш, бозор тамойилларидан келиб чиқиб иш юритиш муваффақиятларнинг бош омилдари. Шу маънода, тайёрланаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва зарур эҳтиёт қисмларни маҳаллийлаштириш устида тинмай изланаёلمиз. Бунинг самараси ўлароқ, яқинда 313 минг АҚШ доллари 4 та замонавий дастгоҳ олиб келдик. Мазкур линия ишга туширилган,

янги русумдаги аккумулятор моноблоклари тайёрланади. Ана шунда моноблоклар ишлаб чиқариш қуввати икки баробарга ошиб, йилига 800 минг дона ташкил қилади.

Биз, тадбиркорларнинг юксак марраларни забт этишимизда соҳага кўплаб имтиёзлар берилиб, эмин-эркин фаолият юритишимиз учун барча шарт-шароит яратилгани рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Президентимизнинг шу йил июль ойида қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу

ҳужжатларга мувофиқ, жорий қилинаётган янгилар эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаб, ҳар биримизни сидқидилдан меҳнат қилишга, изланишга, интилишга даъват этмоқда.

Адиз РАҲМАТОВ, Навоий шаҳридаги "Kimyo-Servis-Navoiy" масъулияти чекланган жамияти раиси:

— Мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилган ислохотлар тўғрисида бошқа соҳалар қаторида тадбиркорлик ҳам жадал тараққиётга юз тутди. Унинг бир вақили сифатида мени қувонтирадиган жиҳат шундаки, фаолиятимиз ҳар томонлама кўллаб-қувватланиб, бешча шарт-шароитлар яратиб берилмапти. Бундан биз, навоийлик ишбилармонлар ҳам унумли фойдаланиб, кимё, металлургия, қурилиш, енгил ва озиқ-овқат саноати сингари унлаб тармоқларда самарали

фаолият юритмоқдамиз. Жумладан, 2006 йилда ташкил этилган "Kimyo-Servis-Navoiy" масъулияти чекланган жамиятимизда кончилик учун зарур бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Албатта, рақобат бор жойда ривожланиш бўлади. Шу маънода, биз кейинги йилларда тадбиркорлар ўртасида шакланган соғлом рақобат муҳитидан келиб чиқиб, корхонамизни модернизация қилишга катта эътибор қаратаёلمиз. Бунда, айниқса, Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги "Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида илгари четдан келтирилган жиҳозларнинг маҳаллийлаштирилиши муҳим

аҳамият касб этмоқда. Бу, ўз навбатида, сарф-харажатларни қисқартириш билан бирга, ишчилар сонини 4, ишлаб чиқариш ҳажмининг эса қарийб 3 баробарга кўпайтириш имконини берди. Бугунги кунга келиб, маҳсулотимиз сифати ошиб, Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари сингари йирик саноат корхоналари билан шартномалар имзоладик.

Жорий йилнинг олти ойида 88 тонна 314 миллион сўмлик оловга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариб, 166 минг АҚШ доллари миқдорига валюта тежашга муваффақ бўлдик. Айни пайтда ички бозор билан чеклиб қолмасдан, маҳсулотларимизни экспортга чиқариш чораларини кўраяёмиз. Бу йўналишда ҳам давлатимиз томонидан имтиёзлар берилгани қувонarli ҳолдир. Қолаверса, турли текширишларнинг оралиқ муддати узайтирилиб, Буларнинг бари биз, тадбиркорларни янги марраларни эгаллаш орқали юртимиз иқтисодиёти раванқига муносиб ҳисса қўшишга ундамоқда.

■ Танлов

Наманганда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Келажак овози" республика иқтидорли ёшлар танловининг вилоят босқичи ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

«Келажак овози» ғолиблари тақдирланди

Тадбирда таъкидланганидек, мазкур танловнинг иқтидорли ўғил-қизларни кашф қилиш, уларга ўз салоҳиятларини намойён этишлариغا кўмаклашиш ва эзгу мақсадлар сари руҳлантиришдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Наманган вилоятида бу йил танловда қатнашиш истагини билдирган ёшлар сони қарийб 7 минг нафарни ташкил этди. Саралаш босқичларида 1 минг 200 га яқин иқтидорли ёшлар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақдирлари ва техника ишланмалар, миллий ва амалий санъат, бадиий ижод ва публицистика каби ўн беш йўналиш бўйича ўзаро куч синашдилар.

дейти ёш тақдиротчи. — Изланишлар жараёнида ундан қуритилган ҳолда, мураббо ва ун шаклида фойдаланиш усулларини ишлаб чиқдим. Лойиҳамнинг "Келажак овози"да эътироф этилиши ўзимга бўлган ишончимни янада оширди.

— Шу кунги тадбир доирасида вилоятдаги учта олий ўқув юртида ташкил этилган "Келажак овози" ахборот хоналари ва Wi-Fi интернет тармоғининг тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Мазкур ахборот хоналари келажакимиз эгаларини ўз атрофида жипслаштирадиган яна бир маскан бўлиб, уларда "Фонд Форум", "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Меҳр нури" жамғармасининг ёшлар учун мўлжалланган лойиҳа ва дастурлари, турли стипендия ҳамда грантлар ҳақида батафсил маълумот олиш имконияти яратилди. Йигит-қизлар бу ерда ижтимоий, психологик, маънавий, тиббиёт, тадбиркорлик йўналишларида ўқув-семинар, тренинглр ҳамда бошқа ишларни ўқитириш ва уларда бевосита иштирок этишлари мумкин. Миллий маънавиятимизга ёт бўлган ғояларни тарғиб қилувчи электрон ахборот манбаларидан ҳимояланган Wi-Fi интернет тармоғи эса ёшларнинг ўқишдан бўш вақтларида ўз билим ва дунёқарашларини кенгайтиришлариغا хизмат қилади.

Тадбирда бир қатор истеъдодли ёшларнинг тасвирий санъат, архитектура ва дизайн, модельерлик йўналишларидаги ижод намуналаридан ташкил топган кўргазмалари намойиш этилди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида вилоят ҳокими Б. Юсупов иштирок этди.

Шунингдек, "Келажак овози" танлови ғолибларини тақдирлаш маросимлари Сирдарё ва Андижон вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Изчил тараққиётимизнинг халқаро эътирофи

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2011 йилда 2 миллиард 596 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармоиси иштирокида тузилган 382 қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 65 фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Форумда Хитой Халқ Республикасининг Шаанхи вилояти Халқаро савдони

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ ИШБИЛАРМОНЛАРИ МУЛОҚОТИ

ривожлантириш кўмитаси делегацияси аъзоларига мамлакатимизда давом этаётган кенг қўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодий ислохотлар самараларни тўғрисида атрофича маълумот берилди. "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонасида юқори технологик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

— Бой табиий ресурсларга эга Ўзбекистон билан қишлоқ хўжалиги, энергетика, юқори технологиялар ҳамда сайёҳлик йўналишларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ниятидамиз, — деди Шаанхи ижтимоий фанлар уюмчаси вице-президенти Ху Йу. — Мисол учун мамлакатларимиз сайёҳлик борасида ҳамкорлик қилиш учун улкан имкониятларга эга. Мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йўналишидаги алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқиш ва ҳамкорликда кўплаб қўшма лойиҳаларни амалга оширишни мўлжаллаёмиз.

Тадбирда ўзбекистонлик ишбилармонлар Хитойнинг Шаанхи вилояти иқтисодиёти, мазкур ҳудудда иш олиб бораётган фирма ва компаниялар фаолияти, сайёҳликни ривожлантириш борасидаги имкониятлари билан танишдилар. Анжуманда икки мамлакат ўртасида иқтисодиёт, сармоя, савдо, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, энергетика, кўмир ва кимё саноати, автомобил-созлик, қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик каби соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга, Хитой компанияларини мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб этиш, қатор қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мадина УМАРОВА, Ўза мухбири.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Енгил саноат шундай мураккаб соҳаки, ишлаб чиқаришни мунтазам модернизация қилмасдан туриб рақобатга бардош бериб бўлмайди, — дейди мазкур жамият раиси ўринбосари Солиҳ Бозоров. — Юртимизда айни шу масалага эътибор қаратилиб, инвестициявий лойиҳалар тижорат банклари томонидан молиялаштирилгани саноат корхоналарининг қуввати ошишига, янги савдо йўнавлари очилишига катта туртки бўлапти. Бизнинг жамоамиз ҳам яратиб берилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни изчил жалб этапти. Яқинда Германиядан қарийб 270 минг АҚШ долларилик дастгоҳлар олиб келинди. Ҳозир монтаж қилиш ишлари якунланапти.

700 кишилик корхонада меҳнат жамоасининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Шу йилнинг ўтган даврида жамоага касб-хунар коллежларининг 53, олий ўқув юртинининг эса 11 нафар битирувчиси қўшилди. Улар томонидан



қунига ўртача 15 минг бош болалар спорт кийими ва саккиз тонна мато ишлаб чиқарилиб, харидорларга пешма-пеш етказиб берилмоқда.

— Болагимдан тикувчи бўлишни оруз қилардим, — дейди жамият ишчиси Раъно Курдошова. — Бу мени Яққасарой енгил саноат касб-хунар коллежи томон етаклади. Уч йил

давомида устозларимдан бичиш-тиқиш сирларини ўрганиб, уни дастлаб ўқув амалиётида синовдан ўтказдим. Ишим корхона мутахассисларига маъқул бўлиб, ўқишни тамомлашим билан ишга қабул қилинди. Бугун мен тикаётган бежирим кийим-кечақлар чет давлатларга сотилаётганидан фахрланаман. Шундай юрда тугилиб,

севган касбимни эгаллаганимдан жуда бахтиёрман.

Ташқи бозорда "Алким-текстиль" маҳсулотларига бўлган талаб кун сайин ошмоқда. Қўшимча қувватлар ишга тушириляётгани буюртмаларни ўз вақтида бажариш, ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш имконини берапти.

Умуман олганда, республикамиз енгил саноат

тизимда пухта ўйланган ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши тўғрисида экспорт ҳажми истиқлолнинг дастлабки йилларидаги нисбатан 110 баробарга оширилди.

Саноатчиларимиз томонидан тайёрланган маҳсулотларнинг чет элларда ўтказилаётган халқаро ярмарка ва кўргазмаларда намойиш этилаётгани истиқболли лойиҳаларнинг рўёбга чиқишига мустаҳкам замин яратаяпти. Пировардида кейинги йилларда Канада, Саудия Арабистони ва АҚШда янги ҳамкорлар топилиб, маҳсулот етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, МДХ ва Европа мамлакатларида 40 дан ортиқ "Савдо ўйлари", 10 га яқин диллерлик бўлимлари ишлаб турибдики, бу ҳам, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон тўқимачилик бозоридаги мавқеини тобора мустаҳкамлаб, экспорт географиясининг янада кенгайишига хизмат қилаётди.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: "Алким-текстиль" МЧЖ фаолиятдан лавҳалар.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

■ Фармон ва ижро

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларига қулай шарт-шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш, айниқса, ишлаб чиқаришга чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги ва "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун ҳужжатларида агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштирса, унда чет эллик инвесторларга нисбатан инвестиция киритилган даврда амал қилган қонун ҳужжатлари ўн йил мобайнида қўлланиши мумкинлиги қайд этилган. Шу билан бирга, хорижий инвестор ўз хоҳишига кўра, янги қонун ҳужжатларининг инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган қоидаларини қўллаш ҳуқуқига эгаллиги ҳам белгилаб қўйилган.

Амалга оширилаётган солиқ сиёсатида эса, биринчи навбатда, солиқ юкни камайтириш, солиққа тортиш механизмларини содда-лаштириш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш мақсадида солиқ имтиёзлари ва преференцияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш ҳамда модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингтадан кўпроқ корхоналар ташкил қилиниб, улар муваффақиятли фаолият юритаётганлиги, ҳар йили 3 миллиард доллардан зиёд тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштириляётганлиги, ушбу кўрсаткич мамлакатимизга киритилаётган жами инвестициялар ҳажмининг 26,6 фоизидан кўпроғига тўғри келаётганлиги хорижий инвесторларнинг юртимиз иқтисодиёти барқарорлиги ва

Хорижий инвестицияли корхоналар: Имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар

пишиқ-пухталигига, уни ривожлантириш истиқболларига қизиқиши ҳамда ишончи ортиб бораётганлигидан аққол далolat беради.

Айни чоғда тадбиркорлик субъектлари учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига доимий тусдаги имтиёзлар белгилангани билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида фармон ва қарорлари билан ҳам доимий ҳамда муайян муддатга солиқ имтиёзлари жорий қилинган. Жумладан, 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларнинг ҳажмидан келиб чиқиб, инвесторларга фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилма ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилиш қўрғинида солиқ имтиёзлари берилган. Бунда тўғридан-тўғри жалб қилинган хусусий хорижий инвестициялар ҳажми 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида

бўлганда — 3 йил муддатга, 3 миллиондан 10 миллион АҚШ долларида бўлганда — 5 йил муддатга, 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга солиқ имтиёзларидан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши эса, хорижий инвесторлар ҳамда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими кўламини янада кенгайтирди. Гап шундаки, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 11 апрелдаги Фармонида асосан берилган солиқ имтиёзлари авваллари 8 та тармоққа тегишли бўлган бўлса, янги Фармонга мувофиқ, 2012 йилнинг II чора-тидан бошлаб хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодиёт тармоғида фаолият юритаётган корхоналарга татбиқ этилмоқда.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учун корхоналарга қўйилган талабларга ҳам бир қатор ўзгаришлар киритилди. Масалан, аввал мазкур корхоналарни ортқча

ишчи кучи бўлган ҳудудлар ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш лозимлиги белгиланган бўлса, эндиликда мазкур Фармонга мувофиқ, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг бошқа барча ҳудудларида

солиқ ва боғхона режими амал қилади. Яъни "Навоий" ЭИИЗ иштирокчилари учун киритилган тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб, маълум муддатларга солиқ тўловларидан озод қилиш ва пасайтирилган ставкаларда солиқ тўлаш имтиёзлари жорий этилган.

Амалдаги алоҳида солиқ режими кўра, шунингдек, "Навоий" ЭИИЗ қатнашчилари ер солиғи, мол-мулк солиғи, юридик шахслар-

дан олиннадиган фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган. Бунда мазкур имтиёзлар тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажмига қараб, қуйидаги муддатларга тенг (эквивалент) бўлганда берилди:

3 миллион евродан 10 миллион еврогача — 7 йилга;
10 миллион евродан 30 миллион еврогача — 10 йилга.
Кейинги 5 йил давомида юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги став-

каларнинг 50 фоизи миқдоридан тўланади.

30 миллион евродан ортиқ сармога эса 15 йилга солиқ имтиёзлари берилиб, кейинги 10 йил давомида юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари амалдаги ставкаларнинг 50 фоизи миқдоридан қайтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелдаги ПФ-4436-сонли Фармонида мувофиқ эса, "Ангрен" махсус индустриал зонаси ташкил этилди. Ушбу Фармонга кўра, унинг ҳудудида ҳам алоҳида солиқ режими ва боғхона имтиёзлари амал қилади. Шунга асосан, махсус индустриал зона қатнашчилари юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ҳамда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратма тўлашдан озод этилди. Шунингдек, "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб қириладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар боғхона тўловларидан (боғхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинди.

Юқорида қайд этилган имтиёзлар инвестициялар ҳажми 300 минг АҚШ долларида 3 миллион АҚШ долларида бўлганда — 3 йилга, 3 миллион АҚШ долларида 10 миллион АҚШ долларида бўлганда — 5 йилга, 10 миллион АҚШ долларида ортиқ бўлганда — 7 йилга берилиши кўзда тутилган.

Кўрииб турибдики, республикамизда хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича белгиланган имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизимининг кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига қизиқиши ортиб, ўз сармояларини ишлаб чиқаришга янада кўпроқ жалб этишга рағбатлантирмоқда.

Ф. УМАРОВА, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг бўлим бошлиғи.

ЖАҲОН

24 соат
ичида

Кучли зилзила оқибати

Хитойнинг Юнань ва Гуйчжоу музофотларида ер силкинишлари содир бўлди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, дастлаб бу ерда ҳар бири 5,7 балли иккита, орадан бир оз ўтиб эса яна олти мишга яқин ер силкиниши қайд этилган. Бунинг натижасида 6,5 мингта бино вайронага айланган, 400 мингтадан кўпроқ иморатга жиддий зарар етган.



Табий офат оқибатида 80 нафар одам ҳаётдан кўз юмган, 700 киши тан жароҳати олган. Аммо бу сўнгги хулоса эмаслиги айтилаётди. Чунки вайроналар остида яна қанча одам қолиб кетгани номаълум. Зилзила юз берган музофотлар тоғли худудларда жойлашгани боис қидирув-қутқарув тадбирларини самарали олиб боришда бир қатор қийинчиликларга дуч келинмоқда.

Онанинг хотираси мустаҳкам бўлади

Фарзанд кўриш натижасида аёлларнинг хотираси яхшиланиши илмий тасдиқланди.

Бу АҚШнинг Майами штатидаги Карлос Альби-зу университети олимлари олиб борган тадқиқотларда аниқланди. Шу тариқа улар туғуруқдан сўнг аёлларнинг хотираси суясади, деган хулоса нотўригилгини исботлашди.

Кузатишларга бир-икки ёшли фарзанди бор ўттиз беш нафар ва яна шунча фарзанд кўрмаган аёл жалб этилди. Махсус ўтказилган тадқиқотларда уларнинг маълумотларни эсда сақлаш қобилияти таҳлил қилиб борилди. Яқинда болали аёлларнинг хотираси анча яхшилиги маълум бўлди.

Мутахассисларнинг изоҳлашича, ҳомилдорлик вақтида бўлажак оналар организмда юз берадиган физиологик ўзгаришлар хотирани мустаҳкамлар экан.

Вулқон ҳаракатга келди

Никарагуада Сан-Кристоваль вулкони фаоллашгани сабабли қатор ноқулайликлар келиб чиқди.



Хусусан, табий офат кузатилаётган худуд яқинида истиқомат қилувчи қарийб уч минг нафар одам хавфсиз жойга кўчирилган.

Хозир вулқондан ажралиб чиқаётган тўтун ва қул беш минг метр баландликка етган. Бу самолётлар қатновига халал бермайди.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, Сан-Кристовальнинг "уйғониши"га 5 сентябрь куни қўшни Коста-Рика давлатида юз берган кучли ер силкиниши сабаб бўлган.

Альпинистлар учун меҳмонхона

Италия ва Франция чегарасида жойлашган Монблан тоғи альпинистлар энг кўп машғулот ўтказадиган маскан ҳисобланади.

Шуни инобатга олган мутасаддилар бу ерда меҳмонхона барпо этишди. 3835 метр баландликда қурилган ушбу бинога "Refuge du Gouter" дея ном берилди. У бир вақтнинг ўзида 120 нафар одамни қабул қила олади. Меҳмонхона барпо этишга олти миллион евро миқдорда маблағ сарфланди.

"Refuge du Gouter"га зарур электр энергия унинг том ва деворларига ўрнатилган қуёш панеллари, шунингдек, шамол ҳамда дизель генераторлари орқали ҳосил қилинади.

Вазиятни юмшатиш мақсадида

Дунё матбуотида Греция глобал молиявий-иқтисодий инқироздан энг кўп азият чекаётган давлатлар қаторида тез-тез тилга олинмоқда.

Шу боисдан ҳам мамлакат ҳукумати юзага келган мураккаб вазиятни юмшатиш мақсадида турли чора-тадбирларни қўллашга уринапти. Яқинда қабул қилинган ороллари ижарага беришга оид махсус дастур шулардан биридир.

Мамлакат бош вазири Антонис Самараснинг таъкидлашича, мазкур лойиҳа орқали Грецияда давом этаётган молиявий инқироз оқибатларини енгилаштириш ва иқтисодий тараққиётга эришишга умид қилинмоқда.

Энг узун автобус

Германиянинг Дрезден шаҳри кўчаларида дунёдаги энг узун автобуслар ҳаракатлана бошлади.



Уларнинг узунлиги 30, эни 2,55, баландлиги эса 3,5 метрга тенг. Ушбу турдаги жамоат транспорти бир вақтнинг ўзида 256 йўловчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Электр қуввати ёр-дамада ҳаракатланадиган янги автобуслар мамлакатдаги Фраунгофер институти мутахассислари томонидан яратилган. Эътиборли жиҳати, мазкур лойиҳа Германия ҳукумати томонидан ҳам қўллаб-қувватланди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Очиқ оферта савдосига Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг қуйидаги корхоналарнинг устав фондидаги 100 фоиз улуши қўйилмоқда:

T/P	Оферта савдосига қўйилган объект ва фаолият тури	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан	Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларлари)	
					Сўм	АҚШ долларлари
1.	«AZIA AYS» МЧЖдаги улуш. Музқаймоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 26-мавзе, Ширин кўчаси, 7-уй	100 %	1 %	1 628 540 000	924 461,15
2.	«KINDER FRUITS» МЧЖдаги улуш. Болалар таомлари ишлаб чиқариш	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	100 %	1 %	16 367 616 000	9 550 481,97
3.	«TOSHKENT QOGOZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш	Тошкент шаҳри, Фаргона йўли кўчаси, 23-уй	100 %	1 %	25 854 000 000	14 802 473,38
4.	«NUKUS AGRO» МЧЖдаги улуш. Томат паста ишлаб чиқариш	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Саманбай кишлоғи	100%	1%	2 061 396 000	1 204 754,98
5.	«NAMANGAN QOGOZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Қурувчилар кўчаси, 50-уй	100 %	1 %	3 901 410 000	2 233 716,94

Оферта савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган бюртномаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг БХКМдаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: х/р: 2980100000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ долларлари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонуничиликка мувофиқ тўланади.

Оферта тақлифларини қабул қилиш 2012 йил 11 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 18.00 да тўхтатилади. Оферта тақлифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012 йил 12 октябрь куни Тошкент вақти билан соат 11.00 да ТИФ Миллий банкда амалга оширилади.

Тақлифларни очиб вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул тақлиф киритган талабгор оферта голиби, деб топилади.

Тўловларни амалга ошириш тартиби:
Олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг камида 15% миқдорда, қолган қисми — олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ долларлари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштириш, савдоларни ташкил қилиниши билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳамда оферта объектини ТИФ Миллий банкга гаров ва ипотeka шартномалари асосида расмийлаштирилиши билан боғлиқ харажатлар (давлат божлари ва бошқалар) оферта голиби ҳисобидан амалга оширилади.

Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уй.
Тел.: (8-371) 234-11-22; 234-15-60. Факс: (8-371) 234-44-38. www.nbu.com.

Тўқимачилик ускуналари

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАЛАР

12-14 СЕНТЯБРЬ 2012

Ўзбекистон, Тошкент

CAITME + TEXTILE

113 01 80

Ўз тақлифномангизни www.caitme.uz сайти орқали олинг.

Корхона чекланмаган миқдорда пахта толаси чикиндилари ва тўқимачилик фабрикалари ишлаб чиқариш чикиндиларини сотиб олади.

Стандартлар: ст. 3, 7, 11, 15, 16.

Телефонлар: (+99871) 257-83-73, 74, 75, 76, (+99871) 120-59-08, 120-59-09.
Факс: (+99890) 188-86-65.
E-mail: tahir@barakatafa.uz

Qishloq Qurilish Bank

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

10 дона персонализатор (card printer) қурилмаларини сотиб олиш юзасидан танлов эълон қилади.

Тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун давомида қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун манзил: 100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз к., 36-уй.
Телефонлар: (+99871) 150-76-47, 150-76-48.
plcard@qqb.uz

Тўқимачилик қувурлар

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

Ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2012 йил 16 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан савдога қўйилган:

- Жинойят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, автомажмуа, 11/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18,0 кв.м. бўлган 16-савдо дўкони.
Бошланғич нархи — 63 699 946,87 сўм.
- Жинойят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, автомажмуа, 13/2-қаторда жойлашган, умумий майдони 18,0 кв.м. бўлган 20-савдо дўкони.
Бошланғич нархи — 63 699 946,87 сўм.
- Жинойят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 13 августдаги 1-83-2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 22-«В» уйда жойлашган «Автосалон, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювиш, савдо маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси». Мажмуа 2 қаватли бинодан иборат бўлиб, умумий майдони блок «Б» 1288,0 кв.м.ни ташкил қилади.
Бошланғич нархи — 1 757 301 000 сўм.

II. Миробод тумани суд ижрочилири бўлими томонидан савдога қўйилган:

Жинойят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 15 майдаги 184/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз тор кўчаси, 8-уйда жойлашган, умумий майдони 1192,0 кв.м., фойдали майдони 958,56 кв.м. бўлган 2 қаватли нотуражой.
Бошланғич нархи — 1 655 970 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига қилиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда, соат 17.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар диққати! Юқоридаги кўчмас мулклар ушбу аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, уни сотиш юзасидан ўтказиладиган тақрирнинг аукцион савдоси 2012 йил 30 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улугбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО 01018, СТИР 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

СОТАМИЗ:

- ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ* 15 кВтдан 2000 кВтгача
- БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР 100 кВтдан 5000 кВтгача
- НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*: турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилми, шовкинчи паястирадиган мослама, машъала устуни ва каллагги, технологик реакторлар.
- ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.

Буюртма бўйича. Махсулот сертифициланган.

Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.
Моб.тел.: (+99890) 900-70-86, (+99894) 932-45-64, (+99891) 777-32-48.

e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com



Тошкент кортларида жаҳон тенниси маликалари

Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари теннис мактаби кортларида Аёллар теннис уюшмаси — WTA туркумига кирувчи "Tashkent open — 2012" халқаро турнири бошланди.

Айтиш жоизки, айна пайтда мамлакатимизда 18 минг нафардан зиёд киши ушбу спорт тури билан шуғулланмоқда. 1994 йили бу кўрсаткич 1700 нафарни ташкил этганини ҳисобга олсак, мазкур кўрсаткич қисқа вақт ичида теннис юрдошларимиз орасида жадал оммалашиб бораётганини яққол ифодалайди. Ҳозир унга қизиқувчи ёшлар ихтиёрига жаҳон андозалари асосида барпо этилган 790 тадан ортқ кумли, қаттиқ, чмпли кортлар бериб қўйилган.

2008 йил 29 апрелда Президентимизнинг "Республика олимпия захиралари теннис мактабини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эса юқори савияли теннисчиларни тарбиялаш ва тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳоратини оширишда муҳим дастуриламал бўлаётди. Утган йиллар давомида бу ерда замонавий моддий-техник база ва малакали мураббийлар таркиби шакллантирилди. Ҳозир мазкур масканда юртимиздаги клублар ва

спорт мактабларида дастлабки тайёргарликдан ўтган йигит-қизлар орасидан танлаб олинган ёш иқтидорли теннисчилар маҳорат оширомоқдалар.

1999 йилдан буён аънавий тарзда ўтказиб келинаётган "Tashkent Open" халқаро турнири дунёдаги нуфузли мусобақалар сирасига киради. Чунки унда голибликни қўлга киритган ракетка усталари кейинчалик бошқа турнирларда ҳам муваффақиятли иштирок этишмоқда. Масалан, бир вақтлар мазкур мусобақанинг кашфиётлари бўлган Николь Вайдисова, Елена Дементьева, Анастасия Мискина, Динара Сафина, Мария Кириленко, Меган Шонесси, Франческа Скьявоне сингари ракетка усталари айна пайтга келиб, аёллар теннисининг ҳақиқий юлдузларига айланишган. Айна шу жиҳат унинг қатнашчилари сафи йилдан-йилга кучли ракетка усталари билан тўлиб боришини ҳамда бахсларнинг кескин ва мурасис кечишини таъминламоқда.

— Ҳар гал Тошкентда мазкур мусобақага катта тайёргарлик кўрилганига гувоҳ бўламиз, — дейди турнир супервайзери Мартина Луткова. — Масалан, бу йил мусобақалар ўтадиган марказий кортнинг қиёфаси тубдан ўзгарилибди. Бу ҳар бир иштирокчига ўзгача кўтаринлик, байрамона кайфият бағишляши, шубҳасиз. Айна шу омиллар туфайли ҳам "Tashkent Open"нинг нуфузи йил сайин юксалиб бораётди. Бу йил ўн тўртинчи бор ташкил этилаётган мусобақада WTA рейтингда юқори ўринларни банд этган 23 нафар ракетка устаси қатнашаётгани ҳам бунга бир мисолдир. Масалан, совринли ўринлар учун кураш олиб бораётган Моника Никулеску (Руминия), Урсула Радваньска (Польша), Ализе Корне (Франция), Магдалена Рибарикова (Словакия), Александра Каданту (Руминия), Бояна Йовановски (Сербия) каби теннисчилар бугун жаҳон миқёсидаги теннис юлдузлари ҳисобланади.

Шу ўринда қайд этиш керакки, ушбу турнир мамлакатимизда ёш авлод ўртасида тенниснинг янада оммалашшига хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Негаки, ўз вақтида ана шу мусобақада катта маҳорат тўплаб,

тажриба орттирган ҳамюртимиз Ирода Тўлаганова кейинчалик жаҳон теннис ихлосмандларининг эътиборини қозонганини яхши биласиз. Кўплаб халқаро турнирларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳамюртимиз Пусан (Жанубий Корея)да ўтказилган Осиё ўйинларида, Австрия, Бельгия ҳамда юртимизда ташкил этилган кўплаб нуфузли мусобақаларда ва "Катта Дубулга" туркумига кирувчи "Уимблдон" турнирининг қизлар ўртасидаги беллашуварларида голибликка сазовор бўлди. Бугунги кунда кўплаб халқаро турнирларда ишончли галабаларга эришаётган Оқул Омомуродова ҳамда ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Бу галги мусобақада совринли ўринлар учун мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Оқул Омомуродова, ёш иқтидорлар Сабина Шарипова, Нигина Абдураимова ҳамда Влада Яхшибарова кураш олиб боради.

Саралаш бахсларида иштирок этган Арина Фольтс, Полина Меренкова, Алина Абдурахимова сингари ёш спортчиларимиз рақибаларига имкониятни бой берилган бўлса-да, улар учун мазкур бахслар нуфузли мусобақалар олдидан катта маҳорат мактаби вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Фазлиддин АБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

2012 йил — Мустақкам оила йили



Асака туманининг Ниёзботир кишлоғилик Тожиматовлар оиласини кўпчилик тадбиркорлар оиласи сифатида яхши билади. Гап шундаки, ушбу хонадон аъзолари тол новдаларидан стол-стул, турли ҳажмдаги саватлар, уй-рўзгор ва совгабоп буюмлар тайёрлаш билан шуғулланади.

Новдалар сеҳри

— Юртимизда тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланаётгани одамларни меҳнатга жалб қилиш, оилалар даромадини кўпайтиришда кўшимча имкониятларни вужудга келтиряпти, — дейди оила бошлиғи Дилмуроджон Тожиматов биз билан суҳбатда. — Масалан, шу имкониятлар туфайли оиламизда барчанинг ўз доимий иши бор. Маҳсулотларимизни эмин-эркин сотишдан ташқари, турли кўрик-танловларда қатнашаётганимиз тажрибамизни бойитишда қўл келаётди. Албатта, толнинг узун ва ингичка новдасидан стол-стул ёки кресло тўқишининг

ўзи бўлмайди. Бунинг ўзига хос мураккабликлари бор. Хунармандлар кесиб олиб қуритилган новдаларни махсус идишдаги сувда бир кун қайнатишади. Бу ўша новданинг пишиқлиги ҳамда эгулвчанлигини таъминлайди. — Тўқиш ишлари, асосан, кизим билан келишим зиммасида, — дейди Дилмуроджон. — Иккаласи бир ойда 100 тагача стол ясашади. Даромадимиз ҳам шунга яраша бўлаётди. Бундан ташқари, маҳалламиздаги қизлардан ўн нафарига касб сирларини ўргатишмоқда. Эътиборлиси, бугунги

кунда вилоятда бундай оилалар жуда кўп. Кейинги бир йилда улар сони 4 мингтадан ортгани шундан далолат беради.

Даржақат, оила фаровонлиги, дастурхонимиз тўқинлиги, энг аввало, ўзимизга боғлиқ. Юртимизда меҳнат қиламан, ўз оилам, рўзгоримга барака киритаман, деган одам учун барча қулайлик яратиб берилган. Ҳамма гап ана шу имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдалана билишда, ғайрат ва азму шижоатда.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Азим шаҳар жозибаси

Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухоро истиқлол йилларида мамлакатимизнинг энг кўркам ва обод, тароватли шаҳарларидан бирига айланди. Бунёдкорлик ишлари кўна шаҳарни яшнатиб юборди. Инфратузилма ривожланди. Хунармандчилик равнақ топди. Тарихий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар ободонлаштирилди. Буларнинг бари шаҳарнинг сайёҳлик салоҳияти янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Сайёҳлик

— Сайёҳликни ривожлантириш борасидаги имкониятларимиз йил сайин кенгайиб борапти, — дейди "Бухоротурист" акциядорлик жамияти ижрочи директори Аҳмад Хусайнов. — Жорий йилнинг ўзида "Чорминор", "Нодир Девонбеги", "Порсо Файз", "Дарвозаи Мохи Хосса" каби қатор хусусий меҳмонхоналар фаолият бошлади. Натижада улар сони олтиштага етди. Яқин-яқингача бир йўла 2200 нафар меҳмонни қабул қилиш имконига эга эдик. Эндиликда эса бу кўрсаткич уч минг нафарга етиб қолди. Айна дамда шаҳримизда ўн та сайёҳлик ташкилотлари фаолият кўрсатаётгани, меҳмонхоналар сони кўпайиб бораётгани инobatга олинса, соҳада рақобат кучаяётганини кузатишимиз мумкин.

Қадимий шаҳарнинг Арк қалъаси, Сомониёлар макбараси, Пойи Калон мажмуи, Лабиҳовуз атрофидаги мадрасаю карвонсарой ва тоқилар сайёҳлар билан ҳамиша гавжум. Бухоро кўчаларида инглиз, француз, испан, япон, корей сайёҳларини кўриш мумкин. Улар билан суҳбатлашиш эса мароқли.

— Юртингизда биринчи бор бўлишим, — дейди ўзини Генрих Бардель дея таништирган франциялик сайёҳ.

— Бухоро менга қадимий обидалари, кўнгли очик ва меҳмондўст одамлари билан ёқиб қолди. Бу ердаги тинчлик-осойишталик, фаровон турмушни кўриб, миллий қадриятларингиз асраб-авайланаётганига гувоҳ бўлиб, халқингизга тасанно айтгим келди. Насиб этса, юртингизга, Бухорога яна келаман.

Шаҳарда кейинги пайтда нафақат ташқи, балки ички туризм ҳам ривожланмоқда. Чунончи, жорий йил баҳорида Тошкент шаҳар касаб уюшмалари кенгаши ва "Бухоротурист" акциядорлик жамияти ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, пойтахтлик уч ярим мингдан зиёд кишининг саёҳати уюштирилди.

— Бу каби тадбирлар шаҳримизда сайёҳлар оқимининг кўпайишига хизмат қилаяпти, — дейди А. Хусайнов. — Агар ўтган йили Бухорога 122 минг на-

фар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, жорий йилнинг олти ойида улар сони етмиш минг нафардан ошди. Бу мавжуд меҳмонхоналарнинг барқарор фаолият кўрсатишини ҳам таъминламоқда. Қолаверса, биз соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Чунончи, автопаркимиз тўртта замонавий автобус билан бойиди. Хусусий меҳмонхоналар ҳам хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланапти.

Бу кўп жиҳатдан кадрлар малакасига боғлиқ, албатта. Бу борадаги ишлар "Ўзбекитуризм" миллий компанияси хузуридаги Касб маҳоратини ошириш республика илмий-ўқув ва консалтинг маркази билан ҳамкорликда олиб борилапти. Сайёҳлар оқими нисбатан камайадиган январь-февраль ойларида тизимда ишлаётган гид-таржимонлар, ошпазлар, официантлар ва бошқа ходимлар учун ўқув курслари ташкил қилинапти. Қолаверса, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳамда Бухоро давлат университетида туризм йўналишида тахсил олаётган талабалар амалиётни шу ерда ўтаб, касб қўникмаларига эга бўлишапти. Бухоро туризм касб-хўнара коллежида эса соҳа учун ўрта бўгин кадрлари тайёрланмоқда.

Вилоятда экотуризмни ривожлантириш борасидаги сайёҳаракатлар ҳам ўз натижасини бераётди. Чунончи, "Жайрон" экомарказида сайёҳлар учун зарур инфратузилма яратилган. Аънавий сайёҳлик йўналишларидан ташқари қадимий Пойкент, Варахша кўрғонларига саёҳатлар уюштирилмоқда. Буларнинг бари истиқболда Бухоронинг сайёҳлик салоҳияти янада юксалишидан далолатдир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чемпионлар маскани

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, уни аҳоли ўртасида янада кенгроқ оммалаштириш, пировардида жисмонан соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида бугун Ўзбекистон чинакам спорт мамлакатига айланди, десак, муболаға бўлмайди. Эътиборлиси, республикамизнинг чекка ҳудудларида ҳам замонавий, шинам спорт мажмуалари қурилиб, ёшлар ихтиёрига топширилмоқда.

Фахр

Эътироф этиш керакки, юртимизда дунёнинг ҳеч бир мамлакатига учрамайдиган ўзига хос тизим — мактаб, академик лицей ва касб-хўнара коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларини тўла қамраб олувчи, спорт билан комплекс равишда шуғулланишни тарғиб қилувчи уч босқичли спорт мусобақаларини аънавий тарзда ўтказиш йўлига қўйилган. Бу, ҳеч шубҳасиз, келажакда уларнинг нуфузли мусобақаларда муваффақият билан иштирок этишини таъминлайди. Истиқлол туфайли юртимизда спорт устозлари, мураббийларни кўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Мен айнан мустақиллигимизнинг дастлабки йи-

лида фаолият бошлаганман. Ўтган давр мобайнида кўплаб ёшларга спорт сир-асрорларидан сабоқ бердим. Ҳар бир шогирдимнинг улғайиш жараёни — аввалгига кичик-кичик зафарлар, кейин йирик мусобақалар шохсупасига бирма-бир кўтарилиши кўз олдимда юз берди. Бу менга қиёсан босқичма-босқич ривожланиш йўлидан бораётган Ўзбекистонимизнинг дадил, ишончли қадамларини эслатади.

Ҳозирги кунда Республика Олимпия захиралари коллежида миллий кураш бўлимининг катта мураббий-ўқитувчиси лавозимига фаолият олиб бораёяман. Ўн икки йилдан буён қўл остида шуғулланаётган шогирдларим орасидан жаҳон ва

Осиё чемпионлари, Олимпиада ўйинлари иштирокчилари етишиб чикди. Жумладан, кураш бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Олимпия Равшанов, жаҳон чемпиони, халқаро тоифадаги спорт устаси Баҳодир Фаниев, дзюдо бўйича Жаҳон кубоги голиби, миллий терма жамоа аъзоси, Лондон Олимпиадаси иштирокчиси Яхё Имомов, халқаро тоифадаги спорт устаси, жаҳон чемпиони Зулҳижжа Худоёрова сингари иқтидорли спортчиларимизни бугун кўпчилик яхши билади. Улар эришаётган муваффақиятларни кўриб, мен ҳам чин дилдан қувонаман.

Камтарона меҳнатларим энг улғу, энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг қутлуғ 21 йиллиги арафасида юксак баҳоланди. Президентимиз томонидан кўрсатилган беқиёс ғамхўрлик мен каби устоз-мураббийлар зиммасига янада катта масъулият юклайди. Қолаверса, ушбу ишонч ва эътироф галдаги мақсадларни юзга чиқариш йўлида менга куч-қувват бағишлайти.

Маратбой ДУСУМБЕТОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси.

Шифобахш неъматлар

Анжирни жаннат меваси, дейишади. Чунки у нафақат хуштаъм, балки инсон организми учун зарур витаминларга ҳам бой. Юртимизда мазкур меванинг катодо, чапла, сарик анжир, қора анжир, асал анжир каби турлари кенг тарқалган.

Меваларнинг сараси

Ўтмишда яшаб ўтган табиб Муҳаммад Хусайн ибн Муҳаммад ал-Оқилнинг "Маҳзан-ул-адвия" асаридан анжир тана ҳароратини меърига келтиради, чарчовчи қолдиради, терлатиб аъзоларни юмшатади, семиришга мойиллик яратади, дея баён этилган. Бундан ташқари, у юрак ҳап-риқишига барҳам беради, зикнафас (бронхиал астма), кўкрак оғриғида энг шифобахш малҳам саналади.

Шу ўринда, Шарқ табобатида анжирдан тайёрланадиган дамламалар, малҳамлар хусусида бир оз тўхталиб ўтсак. Агарда томоқ оғриғи безовта қилса, анжир меваси дамламаси билан фарғара қилиш лозим. Нафас йўлларидаги яллиғланишда анжир меваси ёки унинг қоқиси қўшиб қайнатилган судтан беморга ичирилса, соғлиғи тез тикланади.

Анжирнинг фақат меваларига эмас, барглари, илдизлари, суги ҳам бир қатор хасталикларга даво. Чунончи, ўсимликнинг барглари, ёш новдалари ва хали пишмаган меваларининг сугсимон ширасидан яралар, турли жароҳатлар шифо топишида, буйракда майда тош ва қумларни, танадаги сўғал ва хуснбузарларни йўқотишда қони фойда.

Замонавий тиббиётда анжир юрак-қон томир тизими, ундаги тикинларда (тромбозларда), камқонлик билан дардманд бўлганда, қабзиятдан азият чекканда тавсия этилади.

Дано ХҲҲАЕВА, олий тоифали доришунос.

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?

Бу борада ишончли ҳамкор изляяпсизми?

Унда шошилиб таваккал қилманг.

Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совиришингиз мумкин.

Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган «KOC'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизга кўчмас мулк, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.

Бунинг учун жамиятимиз юқори малакали мутахассисларнинг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефонларига қўнғирок қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкнинг оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққосланган ҳолда, республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.

Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади.

«KOC'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан сизни, албатта, қувонтиради.

Унутманг!

Лицензия: RR-0001.

«KOC'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.

Мурожаат қилинг ва барака топинг!

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 66 079 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпшов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 5